

# 16-МАВЗУ. МЕНЕЖМЕНТ МАДАНИЯТИ ВА УСЛУБИ

*Маъruzachi: F.Дусмуратов*

## Режа:

1. Менежмент ва унинг маданияти.
- 2.Менежмент маданиятининг асосий элементлари.
3. Бошқарув ходимларининг маданияти.
4. Бошқарув услуби тушунчаси ва хусусиятлари ва туркумланиши.
5. Бозор муносабатларига ўтиш шароитда бошқарув услугбининг шаклланиши.
- 6.Обрў-эътибор, унинг бошқариш фаолиятидаги роли.

## **Асосий адабиётлар**

1. А.С.Султонов, У.П.Умурзоқов. Ж.Рашидов «Сув хўжалиги иқтисоди ва менежмент». Ўқув қўлланма. Тошкент. 2009.
2. А.С.Султонов, З.Я.Худойберганов, С.А.Қўчқорова «Сув хўжалиги иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. Тошкент 2007.
3. У.П.Умурзоқов. И.Л.Абдурахимов. «Сув хўжалиги менежменти» Тошкент. 2008.
4. С.С.Исмайлова, У.Р.Сангирова «Практический менежмент» Ташкент. 2008.
5. С.С.Исмайлова, У.Р.Сангирова «Амалий менежмент» Тошкент. 2008.
6. Х.Тошматов, Т.Кушаев, С.Исмайлова «Сув хўжалигига инновация менежменти» Тошкент. 2011.

# 1. Менежмент ва унинг маданияти

«Маданият» тушунчаси ривожланиш даражасининг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, бир қанча маънони билдиради. Жумладан, жамият маданияти, айrim шахс маданияти, ва ниҳоят, инсон фаолиятининг айrim тури маданияти ҳақида сўз юритиш мумкин.

Маданият инсоннинг ҳам маданий ишлаб чиқариш, ҳам маънавий ҳаёт соҳасида ривожланиши жараёнидаги ютуқларини қамраб олади. У инсоният билимлари, унинг меҳнати моҳиятидан иборат бўлиб, кишиларнинг аввалги авлодлари томонидан яратилган.

Инсоният маданияти ривожланувчи, ўзгарувчан, чунки ҳозирги авлод, аввалги авлодлар маданий қадриятларидан ижодий фойдаланиш асосидагина янада ривожланиши мумкин.

Инсон ҳаёти фаолиятининг муҳим таркибий қисми бутун инсоният томонидан жамланган маданий бойликка эга бўлиши, шу жумладан менежмент маданиятини эгаллашdir.

1

- Менежмент маданияти жуда муҳимдир. Инсоният ўз ривожланиш жараёнида жуда катта менежмент тажрибасини жамлаган.

2

- Бозор шароитида бу тажриба менежмент самарадорлигини оширишга хизмат қилиши керак. Менежментнинг вужудга келиши ва ривожланиши, аввало менежмент маданияти даражаси юксалиши билан боғлиқдир.

3

- Чунки, бошқариш йўллари, усуллари, восита ва услубларига танқидий баҳо бериш йўли билан, уларнинг энг яхшилари жаҳон тажрибасида қўланиши учун ажратиб олинган.

Менежмент маданияти инсон маданиятининг таркибий қисми бўлиши билан бирга қатор ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Маданиятга эга бўлиш раҳбар учун фақат зарур эмас, шартдир. Чунки *ташкилотнинг ҳар бир бўлинмаси самарали ишилаши учун унинг ходимлари юксак маданиятга эга бўлишлари керак.*

Менежмент маданияти даражаси ходимлар, айниқса, раҳбарлар маданиятини, менежмент жараёни маданияти, бошқариш техникаси, меҳнат шароитини акс эттирувчи кўрсаткичлар бўйича баҳоланади. Менежмент маданияти элементларининг турли-туманлиги менежмент жараёнида турли-туман меъёрларга, жумладан, *ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, эстетик* меъёрларга риоя қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

1

- Менежментда ҳуқуқий меъёрлар давлатнинг ҳуқуқий ва ташкилий-ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларида акс этади.

2

- Унинг жумласига «Корхоналар тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунлар киради.

3

- Лекин қонунлар ҳар бир корхонанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга ололмайди.

4

- Шу сабабли, ҳар бир корхона, қонунга асосланган ҳолда, корхонада ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оловчи меъёрий қоидалар ўрнатилади.

## 2. Менежмент маданиятиниң асосий элементлари

Менежмент  
маданияти  
таркибига

бошқариш ходимлари маданияти,

бошқариш жараёнлари  
маданияти,

мехнат шароити маданияти

ва ҳужжатлари маданияти киради

Менежмент маданиятининг барча элементлари ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчиидир. Шу билан бирга улар орасида бошқариш ходимлари маданияти етакчи аҳамиятга эга. Раҳбар бошқарув жараёни маданиятининг юқори даражасига эришиш ва ўз меҳнатини ташкил этишни такомиллаштириб бориши керак.

Бошқариш ходимлари маданияти кўп омилларга боғлиқ, умумий маданият даражаси, ишбилармонлик сифатлари, менежмент илмини чуқур ва ҳар томонлама билиш ва уни ўз фаолияти жараёнида қўллай олиш билан тавсифланади.

Ҳар бир корхона ва ташкилот раҳбари ўз вазифасини бажариш жараёнида жамоанинг бошқа аъзолари билан муносабатда бўлар экан ишбилармон кишилар ўртасида мавжуд ахлоқий қоидаларга бўйсунади.

Ҳар бир жамоада хайриҳоҳлик, инсонга ҳурмат муҳити мавжуд бўлиши керак. Менежмент маданияти *мансабпаратлик, шавқатсизлик, қўполликка* зиддир.

Менежмент тизимида, шунингдек, давлат томонидан белгиланган меъёрларига риоя қилмаслик, ваъдабозлик, фаолиятга нотўғри баҳо бериш ва бошқа хусусиятларга йўл қўйиб бўлмайди.

Бошқариш ходимлари маданиятини таъминлашнинг *асосий йўллари - менежмент илмини чуқур эгаллаш, умумий маданий даражаси ва малакасини мунтазам ошириб бориши, ўз фаолияти натижаларини таҳлил этиши ва тушуниши, ижобий шахсий сифатларни ривожлантиришдан* иборат.

# Менежмент маданиятининг элементлари

## Менежмент маданияти

Бошқариш ходимлари маданияти

Бошқариш фани илмлари

Умумий маданият даражаси

Бошқариш санъати

Ишчанлиги ва шахсий сифатлари

Бошқариш услуги

Бошқарув жараёнлари маданияти

Мехнатни оқилона ташкил этиш

Бошқаришнинг илғор технологияси

Бошқарув жараёнини автоматлаштириш ва механизациялаштириш

Ташриф буюрувчиларни қабул қилиш, телефонда гаплашиш, мажлис ўтказиш маданияти

Мехнат шароити маданияти

Иш ўринларини ташкил этиш

Ишлаб чиқариш маданияти

Хизмат кўрсатиш

Жойлаштириш

Шинамлик

Интеръер

Хужжатлаштириш маданияти

хужжатларни расмийлаштириш

хужжатлардан фойдаланиш қулиялиги

хужжатларнинг жойлаштириш

Хужжатлаштиришнинг ишончлилиги

Бошқариш жараёни маданияти шунингдек,  
*менежмент меҳнатини* (менежмент  
меҳнатини мақбул тақсимлаш, кооперация  
қилиш ва чегаралаш, ишчилар сонини  
меъёрлаш, кадрларни тўғри жойлаштириш ва  
улардан фойдаланиш) ва *ишловчи иш жойини*  
(иш жойи ва бинонинг қулайлиги, уларнинг  
санитария-тозалик талабларига жавоб  
бериши), мақбуллаштириш, мажлисларни,  
сұхбатларни, таширифчиларни қабул қилиш,  
учрашув, ходимлар хатлари билан  
танишишини тўғри ташкил этиши ва  
расмийлаштишини ҳам қамраб олади.

Бошқариш жараёнида турли-туман техника - оддий калькулятордан тортиб мураккаб ЭХМларгача қўлланилади. *Раҳбарлар бу техника имкониятлари ва мақбул фойдаланиши соҳаларини билишлари лозим бўлиб, бу менежмент маданияти даражасини билдиради.*

Менежмент маданиятининг ажралмас элементи - ҳужжатлар юритиши маданиятидир. Ҳужжатларнинг бошқариш жараёнидаги аҳамияти жуда катта, чунки бошқаришнинг бирор-бир вазифасини ҳужжатлар асосида етказилиб берилувчи ахборотсиз амалга ошириб бўлмайди.

Ҳужжатлардаги ахборот корхона ташқи ва ички фаолиятининг барча томонини қамраб олади. Бошқариш жараёнининг барча операциялари амалда ҳужжатлардан бошланиб, ҳужжатлар билан тугайди.

### **3. Бошқарув ходимларининг маданияти**

Техника тараққиёти, ишлаб чиқаришнинг доимий ўсиб бориши, технология жараёнларини механизациялашуви ва автоматлаштирилиши, ихтисослашиш ва кооперациянинг ривожланиши бошқарув ходимларнинг ролини кескин оширмоқда ва ишлаб чиқаришда раҳбарларнинг функцияларини янада мураккаблаштирумокда.

Демак, раҳбар ишлаб чиқариш техникаси, технологияси ва иқтисодини яхши билиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклаша олиши лозим.

Лекин, ҳозирги кунда раҳбар учун юқорида қайд этилганларни билиши кифоя қилмайди, аксинча, у яна одамларни бошқариш «технологиясини» ҳам мукаммал эгаллаган бўлиши, шу билан бирга ҳар хил техниковий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа кўпгина масалаларни ҳал эта олиши лозим.

Шундай килиб, раҳбар ишлаб чиқариш жараёнларини ва одамларни бошқариш бўйича меҳнат тақсимотининг мавжудлиги туфайли факат белгиланган режалар ва ишлаб чиқариш дастурларининг бажарилишини таъминлаб қолмасдан, бундан ташқари ижтимоий вазифани ҳам бажаради.

*Раҳбарнинг ижтимоий вазифаси, аввало, уюшган ва ишга қобилиятли меҳнат жамоасини вужудга келтиришдан иборат.*

Қарор топган жамоада раҳбарнинг ижтимоий вазифаси шундан иборатки, у муайян ижтимоий гурӯҳ аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувоғиклаштирувчи бўлиб майдонга чиқади, *соғлом руҳий мухитни вужудга келтиради*, хулқ-атворда ўrnак бўлади, гурӯхнинг ўзига хос рамзини ифодалайди, маъсулият ва новаторлик намунасини кўрсатади.

Иқтисодий ислоҳотлар корхона раҳбарларига хўжалик сиёсатини амалга оширишда катта мустақиллик берди.

Бу ҳол раҳбарларга қўйиладиган талабларни, шу жумладан юксак меҳнат унумдорлигига эришиш мақсадида бошқаришнинг ижтимоий-психологик омилларидан фойдаланиш соҳасида қўйиладиган талабларни ҳам оширди.

## 4. Бошқарув услуби тушунчаси ва хусусиятлари ва туркумланиши

1

- Ишлаб чиқаришда бошқарув услуби раҳбар ва мутахассислар фаолиятини катта ва сермашаққат томонларини акс эттиради.

2

- *Бошқарув услуби* – бу раҳбарнинг ўзига хос бошқариш фазилатидир. Ҳар бир раҳбарнинг ўзига хос бошқариш услуби мавжуд.

3

- Янги жамоага келган ҳар қандай раҳбар олдинги раҳбарнинг ўрнини тез боса олмаслиги мумкин.

4

- Шу боис у биринчи навбатда жамоага мослашиши, мавжуд услугларни ўзлаштириши ва бутун жамоага ўрганиб олиши керак.

5

- Ўз навбатида раҳбарнинг ишлаш услуби, албатта бутун меҳнат жамоаси услугига таъсир кўрсатади.

*Раҳбар шахсий намуна кўрсатмаса обрў топа олмайди.*

Бошқариш санъатини билмаган раҳбар, қабул қилинган қарорлар самарасини таъминлай олмайди.

Раҳбарнинг бошқарув услуби ишлаб чиқаришни бошқариш функцияси орқали корхона фаолиятининг пировард натижасига таъсир кўрсатади.

Буларни барчаси корхонани бошқаришнинг ягона механизми бўлиб ҳисобланади.

авторитар услуг

демократик  
услуг

либерал услуг

*Бошқаришининг  
қуийдаги учта  
услуби бор:*

**Авторитар услуг** - бу якка ҳокимлик асосида бошқаришидир, яъни ҳукмронликни ушлаб турувчи ва амалга оширувчи биргина одам бўлади. Бундай раҳбарлар бошқариш гурухининг дикқат марказида ва фаолиятида туради. Барча ҳукмронлик унинг кўлида бўлиши керак. У қўл остидагиларни ўта пассив, агар қўл остидагиларнинг фикрини эшитишга тўғри келса, у буни ўз обройига путур етказаяпти деб тушунади.

## **Авторитар услубдаги раҳбарларга қўйидаги хислатлар хусусиятли- дир:**

- якка ҳокимлик билан қарор қабул қиласди;
- маъмуриятчи, кўл остидаги ходимларнинг ишига доим араласиб туради;
- барча катта-кичик муаммоларни қўл остидагилар билан маслаҳатлашмасдан, гоҳида тазъийиқ ўтказиш йўли билан якка ўзи ҳал қиласди;
- ўз қўл остидаги ходимларнинг фаолияти учун ҳамма жавобгарликни ўз зиммасига олади, бутун ахборотни ўзи орқали ўтказишга ҳаракат қиласди;
- жамоа аъзоларининг бевосита фикр алмашувини чеклаб қўяди, ўзининг ҳатти- ҳаракатини танқид қилинишига чидаб тура олмайди, лекин ўз қўл остидаги кишиларнинг ҳатти - ҳаракатларини ва хулқ - авторини кескин танқид қиласди;
- талабчан, кам гап, унинг ходимлар билан муносабати бошлиқларга хос оҳангда бўлади;
- ходимларнинг қарашлари муроҳазалари, ўз фикрларини билдиришларини ёқтирмайди;
- қўл остидагилар билан совук муомалада бўлади, қабулга кирувчилар учун қўшимча расмиятчиликлар кўрсатади.

**Демократик услуб** шу билан тавсифланадики, раҳбар ўз фаолиятида гурӯх аъзоларига таяниб фаолият юритади. Демократия халқ ҳукмронлигини одамлар манфаатини акс эттиради. Бундай раҳбарлар жамоа аъзолари ўртасидаги бевосита фикр алмашишни маъқуллайди, уларнинг фикрига қулоқ солади, улар билан доимо маслаҳатлашиб иш олиб боради. Раҳбарнинг ана шундай усули ходимларнинг шахсий ташаббусини, ижодий фаоллигини оширади, жамоада дўстона вазиятни вужудга келтиради. Бундан ташқари, раҳбар ўзининг тарбиявий функциясини ҳам тўла - тўкис амалга оширади. Демократик услубда «раҳбар», «бўйсунувчи» ўртасидаги муносабат ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида амалга ошади. Раҳбар жамоа фикри билан ҳисоблашиш асосида фаолият юритади.

## *Демократик услубдаги раҳбарлар- нинг қуидаги белгилари бор:*

- муаммоларни жамоа билан биргаликда ҳал этади;
- қабул қилинган қарорларни ва топшириқларни иш бажарувчиларга яхшилаб тушунтиришга харакат қиласи ва зарур бўлганда кўрсатмалар беради;
- қўл остидагиларнинг ташаббусини қабул қиласи ва қўллаб- қувватлайди;
- қарор қабул қилишдан аввал, уни жамоа орасида кенг доирада муҳокама қиласи;
- қўл остидагиларга ташкилотдаги ишлар аҳволи ҳақида мунтазам равишда ахборот бериб боради, қийинчиликлар ва муваффақиятларни очикдан - очик гапириб беради;
- ўзи томонига айтилган танқидга тўғри ёндашади, хизматчилар билан бўладиган муомалада ўзининг устунлигини сездирмайди;
- ўзи қабул қилган қарорлар учун жавобгарликдан қочмайди;
- қўл остидагилар хатоси учун зарур ҳоллардагина жазо белгилайди, ижобий томонларини мақтайди;
- ўз кўрсатмаларини аниқ ва ишонарли ифодалайди; ўта бандликни сохта бунёд этмайди, қўлидан келгунича ишлайди.

**Либерал услуб** шундан иборатки, бунда раҳбар ўзининг бошқариш хусусиятларини намойиш этмайди, аксинча у бундан тортинади ва корхонадаги ишларнинг амалга оширилишига аралашмайди.

Қўл остидагиларга ҳурмат билан мурожаат қиласиди, уларнинг фикрини сабр билан тинглайди, таклифларидан фойдали фикрларни излайди ва ҳаётга тадбик қилишга ҳаракат қиласиди.

***Либерал сўзи раҳмидил, саҳий, олийжаноб деган маънони билдиради.*** Бундай услубдаги раҳбарлар ўзининг тортинчоқлиги учун биринчи қаторлардан қочади, ўзини кўрсатишни, ошкораликни ёқтирумайди.

Лекин бу ижобий томонлар қўл остидагиларга ёқади ва улар раҳбарнинг бу хислатларини ўзларига сингдирадилар.

## *Либерал услубдаги раҳбарлар қўйидаги белгилари билин ажралиб туради:*

- иш фаолияти унчалик фаол эмас;
- корхонада ҳамма ишларга аралашишни ёқтиримайди;
- қўл остидаги барча ходимларга ҳурмат билан мурожаат қиласди;
- ўзини кўрсатишни, ошкораликни ёқтиримайди; ходимларнинг фикрини сабр билан тинглайди, уларнинг таклифларидан фойдали томонларни излайди;
- бошқалар таъсирига осонликча бўйсунади ва бевакт қабул қилинган қарорлардан тез воз кечади;
- мураккаб вазиятларда иккилана туриб, бир фикрга келишлик ва изчилик хусусияти йўқ;
- қўл остидагилар билан муносабатни бузмаслик учун жиддий ҳаракатлардан ўзини тияди;
- йўл қўйилган хато ва камчиликларга ўз вақтида маъмурий чоралар қўлламайди.

Учта бошқарув услубига баҳо бера туриб, асосан демократик услугга устуворлик берилади, чунки ҳозирги вақтда мъсулиятли вазифа бизнинг жамият ва ишлаб чиқариш муносабатларини демократлашириш, яъни бошқарув тизимини демократлаширишdir.

Юқорида қайд этилган услублардан ташқари бошқарувнинг бюрократик услуги ҳам мавжуд. Бу шундай услуги, унда раҳбар бошлиқ сифатида юқоридан тасдиқланган ҳужжатларга асосан бошқарувни амалга оширилишини, бу мажбуриятлар ва тавсияномалари ўз вақтида ва аниқ бажарилишини талаб қиласи ва у қуйидаги белгиларда намоён бўлади:



- ўзининг ташаббусизлиги сабабли қарорларнинг ечилиши, кўрсатма кутиши эвазига кечиктириш;
- қоғозбозликка мойиллиги, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар бир қилинган ишни расмий ҳужжат билан тасдиқлаб кўйиши, бу эса ёзма ҳужжатларни кўпайишига, иш ҳажмини кенгайишига ва муқобил бошқарувни секинлашишига олиб келади;
- ўз қўл остидагиларни номигагина ҳимоялаш, ҳар куни уларнинг ишларига асоссиз аралашиб;
- хизматчиларнинг талабларига бепарво бўлиш.

## **5. Бозор муносабатлариға ўтиш шароитда бошқарув услубининг шаклланиши**

Хозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг бирдан - бир самарали йўли - бу бозор муносабатларидир. Табиийки, бу янги бошқарув услубининг шаклланишига олиб келади. Маданий тараққиёт даражаси юқори бўлган давлатларнинг ва бу йўналишда биринчи қадамлар қўяётган мустақил республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврини таҳлил қила туриб, бошқарув услубини ташкилий- профессионал хусусиятларини аниқлаб берувчи баъзи бир гурӯҳ белгиларини ажратиб қўрсатиш мумкин.

***Биринчи гурӯҳ белгилари*** - бу иқтисодий фикр юритишнинг янги тури бўлиб, бозор иқтисодиёти, яъни янгича иқтисодий муносабатлар эркин тадбиркорлик фаолияти вужудга келиши билан боғлиқдир. Бундай шароитда раҳбарнинг қўл остидагилар фаолиятига аралashiши аввалгидан бир оз камрок бўлади.

***Иккинчи гурӯҳ белгилари*** - бу янги услубдаги бошқарувни вужудга келиши билан тавсифланади. Бунга бошқарув меҳнати билан банд ишлабилармон билимдон раҳбарларни киритиш мумкин. Бунинг учун энг аввало ўз соҳасида ўта билимдон, маданий тараққиёт даражаси юқори бўлган ривожланган давлатларда тўпланган тажрибани ўзлаштирган, бозор иқтисодиётини барча замонавий соҳаларини, жумладан тадбиркорлик, менежмент, маркетинг, банк иши, солик ва бошқаларни чуқур ўрганган мутахассис бўлишни тақозо этади.

***Учинчи гурӯҳ белгилари*** - бу шерикларга нисбатан тартиблилик, маъмуриятчилик, расмиятчиликнинг йўқлиги, қўл остидагилар ҳақида ғамхўрлик, маданиятлилик билан иш юритиш тавсифланади. Бунинг мазмуни шундаки, замонавий бизнесда иқтисодий алоқаларни тартиблиликни ўта зарур, ўз - ўзидан керакли бўлган сифат деб қаралади. Ҳақиқий тадбиркор раҳбар ишбилармонлик оламида фақат юқори даромад ҳақида ўйламасдан, балки ишнинг сифати ва корхонадаги ходимларни, уларнинг фаравонлиги ҳақида ҳам ўйлаш зарур.

## 6. Обрў-эътибор, унинг бошқариш фаолиятидаги роли

Раҳбарнинг фаолиятида белгиловчи муҳим омил, бу унинг кенг маънодаги обрўси масаласидир. *Раҳбарнинг обрўсини объектив ва субъектив омиллар белгилаб беради.*

**Объектив омилларга** раҳбарнинг жамоага бошчилик қилиш ваколатига эга бўлиши, ходимларга муносабатда ва ишлаб чиқариш - хўжалик масаларини ҳал қилишда давлат вакили сифатида иш кўриш, корхонадаги қўпгина масалаларни якка бошчилик асосида ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган мавқеда туриши киради.

**Субъектив омиллар** - раҳбарнинг обрўсини белгилайдиган ўзига хос бўлган умумижтимоий, касбий ва педагогик сифатлари бўлиб, уларга унинг ташаббускорлиги, ўзига юклangan ишни билиши, принципиаллиги, мустақил ўз фикрига эга бўлиши, инсонпарварлиги, меҳрибонлик ва ўзига нисбатан талабчан бўлиши киради. Булар раҳбарни обрў қозонишининг асосий омилидир.

# Раҳбар обрусини белгилаб берувчи омиллар ва уларнинг таснифи

## Раҳбар обрусини белгиловчи омиллар

### Объектив омиллар

Раҳбарнинг жамоага бошчилик қилиш ваколатига эга бўлиши;

Ходимларга мунособатда ва ишлаб чиқариш – хўжалик масалаларини ҳал қилишда давлат вакили сифатида иш кўриши;

Корхонадаги кўпгина масалаларни якка бошчилик асосида ҳал қилиш хуқуқига эга бўлган мавқейда туриши.

### Субъектив омиллар

#### Умунижтимоий сифатлар

Тартиблилик;  
Инсонойлик;  
Талабчанлик;  
Одиллик;  
Қатъиятлилик;  
Мулоҳазалик;  
Мардлик;  
Ўзини-ўзи идора қила олишлик; Одамларга ғамхўрлик.

#### Касбий сифатлар

Тадбиркорлик;  
Амалий тажрибага эгалик;  
Касбга доир маҳсус билимларга эгалик.

#### Педагогик сифатлар

Маслаҳат ва кўрсатмалар берса олишлик;  
ҳар бир ходим кўнглига йўл топа олишлик;  
Жамоани ўзига ишонтира олишлик;  
Етакчилик.

**Этиборларингиз  
учун раҳмат!!!**